

НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

11

(326)

YURIDIK GAZETA

Mart

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

RESUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA



ҚЎШМА ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ҳамда улар асосида қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларини химоя қилиш бўйича прокуратура органларининг фаолиятини кучайтириш мақсадида 2004 йил 11 март куни Ўзбекистон Президентининг «Қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони эълон қилинди.

Фармонда Республика прокуратура органлари тузилмасига ўзгартишлар киририлиб, прокуратура органларининг қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги долзарб вазифалари белгилаб берилди.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 13 март куни Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ҳайъати ва Адлия вазирлиги

ҳайъатининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Республика Олий ҳўжалик суди, Бosh прокуратура ҳамда Адлия вазирлигининг тармоқ бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек, ҳудудий адлия бошкармаларининг бошлиқлари иштирок этдилар.

Мажлисида таъкидланишича, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ечимини кутаётган қатор муаммо ва қонунбузилишлар мавжуд, уларнинг аксарияти қонун талаблари етарли даражада бажарилмаётгани билан боғлиқдир.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, давлатга пахта, ғалла топшириш, ширкат, фермерларга техник хизмат кўрсатиш, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш ҳамда маблағларни ўтказишда шартномаларга тўлиқ роя қилин-

мапти.

Кўрилаётган чораларга қарамай, ердан бошқа мақсадда фойдаланиш, ҳосилни но-буд қилиш, ўғит ва ёнилғини талон-тарож қилиш ҳўлларига чек қўйилмапти.

Айрим жойларда фермер ҳўжаликларини ташкил этиш ва уларга ер ажратишда мансабдорлар ваколатини суистеъмол қилиб, қариндош-уруғ-чилик ва таниш-билишчиликка йўл қўйишмоқда.

Ҳайъат мажлисида юқоридаги салбий ҳолатлар назоратдан четда қолгани, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар танқид қилинди, уларни бартараф этишга оид вазифалар белгиланди.

Президент фармони ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасининг матбуот маркази
А.ТУРАЕВ олган суратлар.

BUNYODKORLIK


АМУ УЗРА ЯНГИ КЎПРИК

12 март куни Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида бунёд этилган кўприк фойдаланишга топширилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, «Бош-транс-лойиха» институти лойиҳаси асосида қурилган 681 метрлик ушбу кўприк бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 поезд, соатига мингдан ортққ автомобилни ўтказиш имкониятига эга. 33,5 млрд. сўм эвазига барпо этилган ушбу кўприкнинг фойдаланишга топширилиши натижасида Урганч-Тошкент йўналишидаги поездларнинг юриш вақти 5,5 соатга, масофаси 300 километрга қискарди. Яна бир муҳим томони, илгари транзит учун ҳар йили тўланадиган бир млн. АҚШ доллари эндиликда тежаландиган бўлди.

Амударё узра бунёд этилган янги кўприк мамлакатимиз автомобиль ва темир йўл тизимларини замона талаблари даражасида ривожлантиришда, маҳсулотларимизни экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этади.



TADBIR

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

Анджон шаҳар прокуратурасида бўлиб ўтган вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилиш идораларининг мувофиқлаштирувчи кенгашида назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси кўриб чиқилди. Вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи М.Иминовнинг иш ҳақи тўловларини ҳал этишга бево-сита боғлиқ нақд пул айланмаси, назорат-касса машиналаридан фойдаланишда содир этилаётган қонунбузарликлар ва уларнинг олдини олиш, вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори З.Исмоиловнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида шартномавий муносабатларни изчил йўлга қўйиш борасидаги вазифалар ҳусусидаги ахборотлари тингланди.

Вилоят прокурорининг ўринбосари А.Қурбонбоев ушбу қарорлар ижроси борасидаги ҳўқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамкорликдаги ишларини яхшилаш ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

И.ИБРОҲИМОВ,
«HUQUQ» мухбири

SHU SONGA XABAR

ОҒУСИЗ ДУНЁ САРИ

Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ижтимоий химоялаш бўйича мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида «Меҳр ва муруват йили»-га мўлжалланган тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ «Оғусиз дунё сари» мавзусида акциялар, «XXI аср ёшлари ОИТС ва гиёҳвандликка қарши» мавзусида форумлар, бево-сита мулоқот ташкил қилинди. Мулоқотта соғлиқни сақлаш ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилларининг тақлиф этилиши ёшлар ушбу иллатлар ҳақида тегишли ҳулоса чиқаришларига замин бўлди.

12 март куни Гулистон шаҳридаги О.Хўжаев номи драма театрида вилоятнинг барча туман-шаҳарларидан 350 нафардан зиёд ёшлар тақлиф қилиниб, Алп Жамол асари асосида саҳналаштирилган «Меҳрибонлар» спектакли намойиш этилди.

Бундай тадбирлар вояга етмаганлар ўртасида ҳўқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бахтиёр АҲМЕДОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдამчиси

HASHAR — ELGA YARASHAR

АҲИЛЛИК МУҲИТИ

Халқнинг кўпчилигимиз учун ибрат бўларли аjoyиб удумлари бор. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ўтказилаётган умумхалқ хайрия ҳашарини кўриб қишлоғимиздаги бир одат эсимга тушиб кетди. Самарқанд томонларда бирон киши тўй қиладиган бўлса, уч-тўрт кун олдин унинг қариндош-уруғ, қўни-қўшни, қишлоқ оқсоқоллари йиғилиб, бир пиёла чой устида маслаҳат қилишади. Кимлардир меҳмонларни кутиб олишга, кимлардир кузатишга, бировлар дастурхонга, бировлар самоварга масъул этиб тайинланади. Хуллас, тўйда хизмат қиланган деган киши борки, зиммасига бирон вазифа оқлатилади. Энг асосий иш маслаҳатгача бўлиб ўтади: кўплашиб ўша ҳовли тартибга келтирилади, сугуриб-сидирилиб, оила ҳаётидаги энг катта байрам — тўйга тахт қилиб қўйилади. Шунинг учун маслаҳатли тўй тарқамас деб бежиз айтмайди оқиллар.

Дарҳақиқат, дала-даштва бой-чақлар очилган, куёвдан жонбахш нурлар сочилган, булутлар устимиздан гўлоб селган, юраклар янги фасл соғинчидан ҳалқирган шу дамларда бутун Ўзбекистон улуг маросимга тайёргарлик кўраётган бир оилага ўхшайди. Наврўзни эски гиналарни унутиб, ёрғуз юз билан, бир-биримизга меҳрли кўз билан, ҳовли, кўча-кўй, ишхоналарни санражом-саришта қилиб кутиб олайлик. Демак, ҳамма ҳашарга!

(Давоми 2-бетда.)

АҲИЛЛИК МУҲИТИ

дан касб сирларини ўрганишади.

Эрталабдан ҳовлини тозаладик. Дарахтлар оқланиб, буталиб, тартибга солинди. Ҳуқв жиҳозлари таъмирланди. Муҳбир бўлсангиз, бир гапни албатта ёзинг. Давлатимиз ва халқаро ташкилотларнинг мактабимизга бўлган эътиборидан мамнунми. Шу тўғрисида ўқувчилар ҳар кун бир маҳал текин овқатлан-тирлаяпти.

Янги йил арафасида уларга киши кийимлар тарқатилди. Ундан олдинроқ Тошкент фармацевтика институти раҳбария-

ти мактабимизга принтери билан 11 та компьютер совға қилган эди. Умуман, ҳар байрамда эътиборсиз қолмаймиз.

Шундан сўнг Мавжуда опа билан компьютер синфини, устaxonларни айландик. Ҳуқвчилар ясаган самолёт ва кўтарма кран моделлари, тарози, рўзғор буюмларини кўриб, кўнглимдан бу болалар ҳаётда албатта ўз ўрнини топиб кетади деган ўй ўтди.

Яна билганим шу бўлдики, ҳар ойнинг учинчи шанбасида бу ерга фармацевтика институтининг талабалари келиб, ўқувчилар билан шуғулланишар экан. Ёнида акангман, опангман деб турган киши бўлса, апоқ-чапоқ билганини ўргатса, кулса кулиб, дардлашса, бундан ўқувчиға фақат фойда бўлади. Мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртига ибрат қилиб кўрсатулик тадбир бу.

Яккасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникасида жами 414 ходим ишлайди. Бош врачнинг биринчи ўринбосари Лола Саиджонованинг маълумот беришича, умумхалқ хайрия хашарига жамoa бир неча кун олдинок киришган. Поликлиника ҳовлисидаги ерлар ағдарилиб, ўғит солинган. Дарахтлар оқланиб, йўлак ёқаларига ҳар хил гуллар экилган. 90 туп ўрик кўчати ўтказилган.

— Баъзан бозордан сотиб олишга тўғри келса-да, беморларга бериладиган кўчат, помидор, бодрингларни ўзимиз етиштирамиз, — деди Лола опа. — Физיותרapia бўлимида беморларга ҳар хил шифобахш гиёҳлардан ичимликлар тайёрлаб берилади. Мана энди ҳадемай уларга ўрик шарбати беришни ҳам йўлга қўямиз.

Бош врач ўринбосари Неймат Бердиев билан ҳовлини айландик. Ҳар ким бир юмуш билан овора.

— Кўраётган бўлсангиз, ҳовлида гард йўқ, — деди Неймат ака.

— Кечаси ёмғир ёққанлиги кўриниб турибди, — дедим ҳазиллашиб.

— Тўғри, аммо бир нарсани ҳисобга олинг. Тозаликка риоя қилиш бизнинг асосий вазифаларимиздан. Бусиз касалликка қарши курашнинг самараси бўлмайди. Шунинг учун фақат бу-гун эмас, ҳар шанба кун мана шундай то-

залик тадбирлари ўтказамиз.

13-14 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия хашари шундоғам чиройли юртимиз хусниға хусн қўшгани шубҳасиз. Қари келса ошга, ёш келса ишга деганларидай, хашарда ҳамманинг ўз ўрни бор. Бундай тадбирларда узок вақт кўришмаганлар дийдорлашади. Кўплашиб киришилгани тўғрисида битмаган ишлар битиб кетади. Энг асосийси — аҳиллик муҳити шаклланади. Юртинг бирлигига, жипслашувига хизмат қилувчи шундай тадбирлар бор бўлсин!

Хасан НИШОНОВ,
«ҲУҚУҚ» муҳбири

НАВРҲЗ

Дилда қувонч ва
теғрам гулгул,
Кириб келди содиқ, вафолим.
Сен умримнинг
гул фасли бўлгин,
Янги куним, янги баҳорим.

Ёмғирларим, хуш келдинг яна,
Ер бағридан мушк келди яна.
Сен муборак,
сен қутлуғ сана —
Янги куним, янги баҳорим.

Наврўзгинам, қалбим ардоғи,
Юрагимнинг чўнғ қизгалдоғи.
Сенсиз умрим
менинг ялдоғир,
Янги куним, янги баҳорим.

Ҳисларимнинг ҳадди
сен билан,
Қувончимнинг қадди
сен билан.
Мангу тонгим отди сен билан,
Янги куним, янги баҳорим.

Соғинчларим севинчга дўнди,
Кипригимга капалак кўнди.
Мени ташлаб кетмагин энди,
Янги куним, янги баҳорим.
Ориф ТҲУТАШ

Касбим тақозосига кўра Сирғали туман халқ таълими бўлимиға қарашли 33-ёрдамчи мактабдан. * Мактаб биноси эски бўлса-да, ҳовлидаги тозалик, тартиб яққол кўзга ташланади. Хорма-бор бўлдан сўнг маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Мавжуда Пулатовадан мактаб ҳақида, хашарда қилган ишлар тўғрисида гапириб беришини сўрадим.

— Мактабимизда 275 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ёрдамчи де-йилишининг боиси, бу ерда оммавий мактаб дастурини ўзлаштириши қийин бўлган болалар енгилроқ дастур асосида 9-синфгача ўқитилади.

Тикувчилик, дурадгорлик, чилангарлик устaxonларимиз бор. Болалар Ж.Жалолов, М.Кучаев, А.Калашникова каби устaxonларимиз-
*(Давоми. Боши 1-бетда)

КЕЛАВЕР, НАВРҲЗ!

Кўнел саргарса ҳам, йиғласа ҳам кўз,
Дардлар ахтарса ҳам, сиктаса ҳам кўз,
Бахтини бой бериб, йўқласа ҳам қиз,
Ҳар баҳор келавер, келавер, Наврўз.

Сумалак қайнаган тунларни эслат,
«Севаман» деган ул уларни эслат.
Бағри тутунга бутунларни эслат,
Ҳар баҳор келавер, келавер, Наврўз.

Гамлар ортда қолсин, бўлсин кечаги,
Кексалар кўзига суртсин чечагини.
Энди дил хоҳламас қишининг чўнчагини,
Ҳар баҳор келавер, келавер Наврўз.

Тирик эсонни яна ғамирлатиб кел,
Гиёҳларни суяиб, шивирлатиб кел.
Очилиб-сочилиб бирам латиғ кел,
Ҳар баҳор келавер, келавер, Наврўз.

Қизнинг кўз ёшини булутларга тут,
Қалбдаги дафтарин бургутларга тут.
Тилагим, элимнинг ризқи бўлсин бут,
Хуш келдинг, марҳабо, марҳабо Наврўз!

Хафиза ЭГАМБЕРДИЕВА

БАЙРАМ КУНЛАРИДА

Наврўз кунларида одамлар доғ-роғларни тартибга солиш, далаларни экишга тайёрлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, уруғлик, ўғит ва қўчатларни ҳозирлаш юмушлари билан банд бўлади. Шаҳар жойларда йўлак ва хиёбонлар, кўча-кўй, ҳовлилар тартибга келтирилади. Маҳалла-ларда хашар ўтказилади.

Наврўз тантаналари доимо деҳқончилик, хунармандчилик, санъат ва жисмоний баркамолликнинг ўзига хос намоийши бўлиб келган. Халқ сайилларида хунармандлар ўзлари ясаган ажойиб ашёларини, пазандалар ширинлик ва анвойи таомларини, полвон ва чавандозлар куч-қувват ва маҳоратини, чаққонликларини намоийш этганлар. Қизлар ва келинчақлар Наврўз тантаналарига атаб маҳсул-сус либослар, кашта ва рўмолчалар тикишган, уларга гул расмини чизганлар.

Қизқичи ва дорбозлар, шоир ва бахшилар, аскиячилар, кўғирчоқбозлар, раққоса-ю ҳофизлар сайил аҳлининг кўнглини хушнуд этганлар.

Табият қўйнида ўтказиладиган ёру биродарлар, қариндош-уруғлар, оила аъзолари, барча ёшу қари қатнашадиган байрам тантаналари одамларнинг бир-бириға меҳр-оқибатини кучайтиради, қалбини янада пок, дилларни чароғон қилади.

ТҲҲЙДАЛАР

АЖОЙИБ ИНСОН, ДОНО МАСЛАХАТЧИ

Отабой Юсупов 1934 йилнинг баҳорида дунёга келган. Бироқ тақдир ёшлик баҳорини ташвишлар

дир ёшлик баҳорини ташвишлар залвориде кечирди, II-жаҳон уруши даврида мактабда ўқиди. Митинггина бола кай бўлишиға қарам ай дарсдан сўнг далада онаси тенги аёллар сафида гўза чопиқ қилди, бошқоқ териб, яйловда пода бокди. Уша вақтлари ҳам ёш Отабойнинг жажжи юраги орзуларнинг чексиз олами сари талпинарди. Олийгоҳда ўқиб, элга нафи тегадиган инсон бўлиб камолға етишни ният қиларди. 1955 йилда юридик факультетни тугатгач, ўрта мактабда аввал ўқитувчи, сўнг эса директорлик қила бошлади.



О.Юсупов прокуратура идораларидаги фаолиятини 1962 йил 1 августдан Гурлан туманларо прокурорининг ёрдамчиси вазифасидан бошлади. Йиллар довои билан Отабой аканинг лавозим пиллапоялари ҳам юксала борди. У Гурлан, Қўшқўпир туманларида прокурор, Шовотда

прокурор ёрдамчиси бўлиб меҳнат қилди.

Айни замонда 70 ёшни қаршилаган Отабой ака ҳақида сўз кетганда, билган-таниганлар уни «педагог-прокурор» деб қўяди. Бу айни топиб айтилган ибора. Чунки Отабой ака қачон ва қаерда прокуратура идораларида қайси лавозимда ишлаганини, ўз бурчиға ўқитувчиларға хос зийраклик ва масъулият билан ёндошди. Шу боисдан ҳам бу соҳада эндигина иш бошлаган ёш кадрлар ул зотнинг ҳар бир қилган иши ва кўрсатмаларида устозларға хос салоҳият ва талабчанликни курадлар.

Ҳозирги кунда унинг шоғирдлари Хоразм вилоят прокуратура идораларида кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири О.Юсуповдек устозлари борлигидан фахрланадилар.

МИНГ ОЙНИ ҚАРШИЛАБ

Алоҳиддин Нуриддинов 1924 йил 25 мартда Самарқанд вилоятида оддий деҳқон оиласида дунёга келган. У ўрта мактабни тамомлаб, айни улкан орзулар довоини забт этишға киришган бир паллада II-жаҳон уруши бошланиб қолади. Ёш Салоҳиддин институтға кириб ўқиб режаларидан вақтинча воз кечишға мажбур бўлади. У жамoa хўжалигида табеличи бўлиб ишлайди. Кечани кеча, кундўзни кундўз демай, далада заҳмат чекади. Урушға кетган оталар ва алпкелбат акалари учун ҳам жонини жабборға бериб тер тўқади. Би-





Соғиндик юракнинг шодликларини,
Кувончдан ёрилди куртаклар бир-бир.
Кўкламнинг ўзига хос овозини
Кўзларимга сурмай нега мен ахир.
Туйгулар тўқилди юракларимга,
Кафтимга тўқилар ишқинг шодаси.
Кўзларимни ёпар олчалар гули,
Буларнинг барчаси ишқифодаси.
Бир овоз келади узоқ-узоқдан,
Ҳалинчак салади жонбахш турналар.
Ариқлар бўйида юз очар ялғиз,
Энди шеърларимда юз очар Наврўз!

Бир ғариб кўнглини
қила олсанг шод,
Яхшидир ер юзин
қилгандан обод.
Лутфинг-ла бир дилини
қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни
қилгандан озод.

Умар Хайём



АЛЁРЛАРИ ОСМОН ЮРТ

Кечаги кунгача чўзилган киши ўрнини кўкламга бўшатиб берди. Дов-дарактлар бутогини безаб турган оқ ва пушти гуллар кўнгилдан жаранглаб акс-садо таратаётгандек гуё. Асрлар ўтаверди, замон ўзгараверди, аммо фасл кўринишлари, инсон табиати ўша...

Яна шуъалардан қамашмоқда кўз,
Яна дилдорликнинг фурсати етди.

Азизим, қушлар чуғур-чуғурига қулоқ тутинг. Булбулнинг сахардаги хониши қайси бастакорнинг ҳаёлига келибди дейсиз. Уша соҳир куйни нота қозоғига тушириб буларимкан? Ёки сойларнинг шилдирраши сизга жаннат маъвосини эслатадими? Ранг, табият, мусяка, турли-туман мавжудотнинг уйвудан уйғониб ҳаракатга келиши — барчаси кўшилиб Наврўз аталмиш айём қиёфасини белгилайди. Баҳорнинг таваллуд куйи, яъни кундузу кечанинг тенглиги ўзгача бир ҳикматга, синоатга эга. Гуё идрок қилиб бўлмайдиган, ақл чамалашга ожиз нимадир бизга тобора яқинлашиб келаётгандек. Ҳиссиёт

эса сўзга айланмайди, туйгулар ҳам юрак уммониде тўқин уради. Наврўз кунлари кўнгил ажиб шуқуҳ билан яхшилиққа ошно тутинади. Гуллар уфориға тўла осмон зангори тусга қиради. Қудуқлар сувига ширин таъминида. Наврўзи оламнинг илк қадам товушини юрагимиздан эшитамиз.

Шафақларда қалқийди чирой,
Дилдан гина, ғам қувшади.
Новдаларга кўниб тургай сўз,
Келгин, сени соғиндим, Наврўз.
Жамолнига тутқин бўлдим,
Уксиб-ўксиб йиғлагай осмон.
Ҳолсизгина чекинар қайту,
Ёр соланиб келгани замон...

Кўчаларни тўлдириб уйнаётган болаларнинг қувончи дошқозонда сумалак қайнатаётган оналар шодлиги билан ҳамоҳанг. Дошқозон бошида ўтириб сумалак кўзгаганмисиз? Чеч тош териб келганимисиз бу таом учун? Халқимизда шундай нақл бор: кимда-ким дошқозонда қайнаётган сумалакни яхши ният билан кўзгаса барча тилақлари бажо бўлади. Кимда-ким сумалак ялаётганида ундан тош чиқса, у дунёда энг бахтиёр инсон бўлар эмиш.

Бурунгулар бу таомнинг хосияти кўп дейишган. Табобат нуқтаи на-

заридан ҳам унинг инсон организмга фойдали эканлиги исботланган.

Сумалак қайнаётган хонадоннинг фаизи ўзгача. Ахир у ерда кўни-кўшни, қариндош-уруғ, маҳалладошлар йиғилди, дунёнинг шодлиги жам бўлади.

Осмонда сузади
бир оппоқ будут,
Боқсанг ўғирлайди
хаёлларинини.
Кувона-кувона
кўзларингга сурт,
Юртимнинг чиройли
шамолларини.
Бу дам юрт хуснига
боқиб тўймас кўз,
Шунча яхшимсан,
шунчалар, Наврўз!

Ойдин кечаларда
тонггача кезиб,
Табиятдан баҳра
олинг келади.
Само гулларидан хайлан узиб,
Кўнгли рубобинини
чалдинг келади.
Ихтиёринг олаб кўяр дала-туз,
Шунча яхшимсан,
шунчалар, Наврўз!
Марғуба ОМОНОВА

БАҲОРГА ЕТГАНЛАР ОМОН БЎЛСИНЛАР

Баҳор келди, олам янгиланди. Кўкламни соғинган юраклар шодликка тўлди. Дарактларнинг яланғоч новдаларини безаган гўнчалар яна ҳаёт куйини чалмоққа ошиқди. Уйғонаётган ер исси димоққа хуш ёқади, кўнгли тиниқлашади. Аста буй чўзаётган майсалар ифоридан дил муаттарланаётгандек, кўклам кўнгилиларга кўр бераётгандек.

Ҳа, Наврўз ҳар бир юракдан бошланди. Бободехон янги кунга шукрона айта-айта даласига кетмон солди. Қалдирғочлар қўшиғи сўлим диёримизда бошланажа Наврўз тантаналарига жўр бўлмоққа шай. Юраклар ҳалқирди, кўнгилилар тозарди. Яшаш завқи, ҳаёт сурури томтирлардаги қонларда гулларди.

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор... дея хониш қиляпти хонанда. Дарҳақиқат, бу Наврўзга, бу кўкламга кимлар етди, кимлар етмади. Шундай дамларда бевақт келган ажал дастидан эрта кетган яқинингиз, қариндошингиз, суякли ёрингиз ёдга тушади. Уларни бирров бўлса-да кўнгилингиз, дил қониб суҳбатлашингиз келади. Нега марҳумлар худди кўкликлардек ҳар баҳор қайта тирилмайди-я, дея оламини бузгингиз келади. Сўроқларингизга жавоб излайсиз. Афсус, бу хайқириқлар сас-си, садосиз. Чунки... чунки ҳаёт шундай, яшаш конуни шу.

Ана, деворларнинг кунгай жойлариде барқ урган майсани авайлаб кўзларига суртаётган момо «кўкламга етказганига шукр», дея ният қиляпти. Кейинги баҳорга ҳам омон етишини Оллоҳдан тилаяпти. Биз ҳам момонинг тилақларига қўл очамиз. Илоҳим, баҳорга етганлар омон бўлсинлар.

Гулрух ЁРМАТОВА,
журналист

МУЎБОРАК!

рок у ўз ўрнини ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилаётган ҳарбий хизматда деб билди. 1942 йили С.Нуриддинов ҳарбий хизматга жўнаб кетади. Узоқ Шарқда ҳарбий флотда аскарлик камарини маҳкам боғлади. Ундаги зехн ва зукколик, меҳнатсеварлик ва ўз кучига нисбатан бўлган ишонч уни оддий аскарликдан алоҳида муҳандислик вазоди командири лавозимигача бўлган погоналарда юксалишига омил бўлди.

1947 йилда киндик қони томган Жанансон қишлоғига қайтаркан, С.Нуриддинов қишлоқ ва жамоа хўжаликлариде қотиб бўлиб хизмат қилди. Орадан кўп ўтмай унинг йиллар мобайнида интилиб келган орузи рўёбга чиқди. Унга талаба бўлиш бахти насиб қилди. 1950-1954 йиллар мобайнида у Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига таҳсил олди.

С.Нуриддиновнинг прокуратура идораларидаги фаолияти 1965 йилда Самарқанд вилоят прокуратурасида катта терговчиликдан бошланган. Бунга қадар у турли нуфузли маҳкамаларда масъул вазибаларда хизмат қилди.

1975 йилдан эътиборан қарийб 11 йил давомида Салоҳиддин ака Хоразм вилоят прокурори лавозимида ишлади. Бу давр ичиде у меҳридор ўстозлик маснадиға кўтарилди.

Уз соҳасининг билимдонли булган Салоҳиддин ака еттиглаб шоғирдларининг қамолға кўлишиға беминнат ҳиссасини қўшди. «Пагонингда юлдузларни эмас, балки адолат қарор тоғанда од-

дий одамлар томонидан қилинган дуою хайрларни кўпайтиришиға ҳаракат қил» — дея ўғит берарди Салоҳиддин ака прокуратуранинг ёш ходимларига. Қолаверса, унинг ўзи ҳам бу ҳикматга бир умр риоя қилиб яшаётган азиз инсонлардан.

Бугун 80 баҳорни қарши олган бу нуруний кўшимнинг хонадониде уни қўзлашға чоғланаётган кўнлаб хоразмликларни учратиш мумкин.

Хоразм вилоят прокуратураси ҳам минг ойни қарши олган С.Нуриддиновнинг муборақ ёш тўйини тантанали равишда нишонлар экан, демак, бу айёмда тилак айтган ҳар бир кишининг лутфинда «...ўзига хос мактаб яратган инсон» деган иборани эшитиш мумкин.

Дарҳақиқат, бундай эътирофға мушарраф бўлган одамға ҳавас қилсак арзийди.

ҚАЛБИ НУРЛИ ИНСОН

Аҳмадҷон Собиров Наврўзи олам ўз сепини «чор-атрофға ёйган чоғ» дунёға келгани учунни, унинг қалби ҳаммиса гўзалликка талпиниб яшайди.

Аҳмадҷон ака 1952-1956 йилларда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетиде таҳсил олди. Ўқишни тугатган йиллик уни Сурхондарёнинг Ангор туманидаги Пушкин номи ўрта мактабға ўқитувчи қилиб юбордилар. Тугилиб ўсган юрти Хоразмдан олис жанубий воҳода хизмат қилар экан, А.Собиров

асло кам бўлгани йўқ. Узининг одам-шаваңдалиғи, янгиликка интилувчанлиғи туфайли оддий муаллимликдан Сурхондарё вилоят ёшлар ташкилотининг раҳбарлиғигача кўтарилди.

Аҳмадҷон акани билган-таниган кишилар гўзаллик ва йиқилган кўнглини қайта-қайта тўлдирди.



Дарвоқе, 60-йилларнинг бошлариде А.Собиров Сурхондарёдан қайтган, Хоразм телевидениесиде Болалар ва ўсмирлар курсатувлари тахририятиде бош муҳаррир бўлиб ишлади. Бу, албатта, ул зотнинг инсонға ошно қалб соҳиби эканидан дарак беради.

Хоразм вилоят прокуратураси учун баҳор кўтлўғ тўйлар билан бошланди. Негаки, прокуратура идоралари фахрийлари Отабой Юсупов, Салоҳиддин Нуриддинов ва Аҳмадҷон Собировларнинг кўтлўғ ёш тўйларини нишонлашға пухта тайёргарлик қўрилди. Бу нуруний сиймоларнинг ҳаёт йўлиға назар ташлар эканмиз, албатта, улар босиб ўтган умр доволарида ибрат намуналарини кўриш мумкин.

Урганч шаҳар, Хива, Гурлан, Янғариқ туманларида прокурор лавозимларида самарали меҳнат қилиб, қонунчиликни мустаҳкамлашға ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Аҳмадҷон ака қарилек нафақасига чиқса-де, бекор ўтиришни ўзига эп кўрмайдиганлардан. Айни пайтда қарияларни қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармасининг Хоразм вилоят бўлимиға раҳбарлик қиляпти. Шунингдек, Урганч шаҳрини кўкаламзорлаштириш, гуллар масканига айлан-тиришда тиниб-тинчимас А.Собировнинг ҳиссаси беқеъис. Жалолиддин Манғуберди, «Авесто» ёдгорлик мажмуаларида ноёб, ранг-баранг гулларни парваршиллашда кўпроқ Аҳмадҷон аканинг фикр-таклифлари инобатға олинди. Чунки Урганчда бу мўътабар инсонға бежиз: «гуллар билан тиллашайди» — дея таъриф беришмаган.

Аҳмадҷон ака 29 март куни 70 баҳорни қаршилайди. Бу айёмда унинг уйи кўтлўғ айтиб келувчи лар билан гавжум бўлиши аниқ. Улар орасиде сафдошлари, шоғирдлари, шоиру хофизлар ҳам бўлади. Мана шунинг ўзи А.Собировнинг қалби нурули инсон эканин англайди турлибди.

Эрпўлат БАХТ,
«НУҚУҚ» муҳбири

ШИРИН СЎЗ ҲАМ МУРУВВАТ

«Меҳр ва мурувват йили» давлат дастури эълон қилинганиға ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Унда халқимизни иқтисодий-ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича қилиниши лозим бўлган талай тадбирлар белгиланиб, шу мақсадда 354 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўрсатилган. Бу чин ўзбекона саховат, меҳр-оқибат туйғуси миллатимизнинг жипслиғи ва фаровонлиғи учун хизмат қилади. Менимча, ор-номусли, ўз қадрини билган инсонларгина ён-атрофдагиларға, яқинларига меҳр кўрғазиб яшашға қодирдир. Шундай экан, ёшларға мана шу оддий туюлган фазилатларимизни муттасил тушунтириб боришдан эринмаслиғимиз лозим. Энг оддий мисол: муҳтожларға моддий кўмак беришға ҳамма ҳам қодир бўлмаслиғи мумкин, лекин бироваг илик сўз айтиш қийин иш эмас. Ширин сўз ҳам мурувват. Қўни-қўшничилик, қариндошлик ришталари ана шу асосға қурилса, шунинг ўзи меҳр-оқибатнинг умрбоқийлиғидан даракдир. Абдурахмат БОЛТАЕВ, Қизилтепа туман прокурори

Яхши киши нималариндир бошидан ўтказган ва ҳар турли кечинмаларга чиниққан одамдир. Бундай одамларда умид боғласа бўладиган қандайдир фазилат бўлади. Орамизда мана шундай меҳрибон, гамхўр кишиларнинг кўпайиши эса миллат шаъни, кадр-қиммати учун ниҳоятда муҳимдир.

номга доғ тушириб қўймайгизмикин? Бир масъул идора биносидан чиқиб кетаётсам, ортимдан кимдир чақиргандай бўлди. Угирилсам, таниш аёл кўл силтаб келарди. Ортидан анча ёш, кўхликкина бир жувон ҳам етиб келди.

лиги, йўқ жойдан баҳона чиқаришни айтиб, йиғлади. Бирга мол боққан чоғларимиз, эри дарвозада кутиб олиб, Вазирга «Моллар яхши тўймабди, бор, яна бок, деб қайтариб юборгани, турли баҳоналар билан зугум қилганларини кўрганман». Бундай кўрсатмаларни яна ўнга яқин холислар беришган. Хўш, Вазирнинг ёруғ дунёсини дўзахага айлантирган Зафарбойнинг бири-икки

ҳатто худбинликка йўғим келади. Афсус, энди кеч!.. Ўзбекистон телевидениесида берилётган «Меҳр кўзда» кўрсатувига эҳн солсангиз яқка-ёғиз, ҳимомга муҳтож одамлар аҳоли, дил армонлари билан танишсангиз, бир олам юк елкангизга мингандек, қаддингизни ростлашга уринасиз. Ахир, ўша замондошларнинг дардли, ҳасратли нигоҳлари юқини ҳис этмайдиган одам-

НАВОЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Оламни турфа гулларга буркаган баҳор Ўзбекистон узра ўз тароватини намойиш этаётир. Элимиз соғинган Наврўзи оламни қарши олиш тараддуди ҳар ерда қизгин кечмоқда.

Наврўз тантаналари Самарқандда бу йил йил ҳам асосан марказий истироҳат боғидаги «Мўъжиза» амфитеатрида бўлиб ўтиши мўлжалланган. Қарийб бир ойдан буён давом этаётган қизгин тайёргарлик, концерт ва саҳна кўринишлари томошабинларга чинакам мўъжизани тўхфа этса, не ажаб?

Шодиёналарни етакчи эстрада хонадалари ва «Сарвиноз» ракс гуруҳи қизлари бошлаб беришади. Шундан кейин вилоятнинг таниқли фольклор, эстрада жамоалари, болалар ансамбли ва ракс гуруҳлари, театр актёрлари меҳмонларнинг хизматига бўлади.

Шаҳарнинг марказий боғи ёғзи саҳнасида, «Сўғдиёна» ва «Ёшлик» боғларида, вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда ҳам шу қуни катта концерт дастурлари намойиш этилади. Шаҳар марказий боғи ва Амир Темур майдони оралиғидаги кенг жойда халқимизнинг санъати ва истеъдодини кўз-кўз қилувчи ярмаркалар, савдо ва умумий оқватланиш шаҳобчалари хизмати аҳолининг қувончига қувонч бўлади деб ўйлаймиз.

«Човқи», «Сарбози» фольклор жамоалари вилоят санъатини намойиш қилиш учун аллақачон пойтахтимизга ўйнаб кетган.

Дарвоқе, меҳрибонлик, муруват ва саховат уйларининг бурчасида тўкин дастурхон атрофида хайрия концертлари, йўқловлар бўлиб ўтади.

Фармон РОЗИҚОВ,
Самарқанд вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи

БИР КАЛИМА ШИРИН СЎЗ

Аёл «Ҳалиям ўша жойда» ишлашмини сўраб олган, мақсадга кўчди: «Бу менинг қизим. Катта ўғилчасини бир аёлга сотган эдик. Аёл мард экан. Лекин «Ҳомийлик ва васийлик» бўйича болани хатлаш қийин бўляпти. Нима эмиш онаси тирик эмиш. Шунга бир оғиз...»

— Ахир, ёш экан, ўзи тарбиялайверсин-да, — дейман бироз энсам қотиб. Гапим аёлга мен кутганча таъсир қилмади. Ақсинча, у гапни ҳазилга йўйиб, бўяниб олган қизининг қорнига имо қилиб:

— Ана, қорнида яна бор. Худо шунисидан солса ҳам етади.

Ё алҳазар! Кўп нарсаларнинг бозорини кўрганман. Аммо, наслу насаб, зурриёд соҳасидаги бундайин бедод тижоратни ҳали учратмагандим.

... Пойриқ туманидаги Н.Азимов номили ширкат хўжалигида яшовчи, уч нафар ширин-шакар фарзанднинг сунянчи Вазира Шакарова чексиз азоб-уқубатлардан ҳоли бўлиш учун ўлим йўлини танлашга мажбур бўлди. Туман прокурори Хуршид Субҳонқулов қўлимга берган айблов хулосасини ўқир эканман, ғувоҳ тарихида сўроқ қилинган М.Сулаймоновнинг кўрсатмалари устида тўхталиб қолдим: «Зафар Шакарлов билан бир қишлоқда яшаймиз. Жуда кўпол йиғит. Хотини Вазира меҳнатқаш, муомаласи яхши, болаларига меҳрибон эди. Ноғирон қайнонасини бошига кўтаргудай қилиб, меҳр билан ардон ўт тергани далага бораётиб, Вазирга дуч келдим. У мен ҳам ўтга боришим керак, деб қолди. Бирга далага йўл олдик. Билаклар, қовқ ва бўйинларим моталоқ бўлиб кетган экан. Сабабини сўрасам уялиб анча хим кетди. Сўнгра, уриш, сўкиш эрининг доимий одати экан-

бўлиб, гуриллаб кетдим? Йўқ. Фуфайкасини елкасига ташлаб, темир панжара ортидан паноҳ тоғди. Уч нафар бегуноҳ фарзанд, ноғирон онамиз эса...

Автобус бекатларидан бирига яқинроқ муёлишда 5-6 нафар ёш бола -



лар ҳам меҳр-саховатни, яхшилик ва ширинсуханликни одат қилса, ҳеч қачон кам бўлмаслигига ишончим комил.

Азизлар, ўтқинчи онларнинг қадрига етайлик. Атиги бир калима ширин сўзимизни бир-биримиздан дариг туптайлик.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Марказдан анча олис бўлган Ингича шаҳарчаси томон машинада борардик. Машина юкхонасига кўша-кўша юк сумкаларни босиб олган кексароқ рус аёли жимгина кетиб боради. «Шу ёшингда шунча юк, сенга нима кам, эй тинчиманган банд» деган фикр кўнглимдан ўтди. Лекин, янглишган эканман. Маълум бўлишича, ўша аёл черковда кўнглили ҳодима бўлиб ишлар, ҳафтада икки маротаба шаҳарчадаги кам таъминланган русий забон болаларга савоб йўлида жамланган хайриялардан олиб бораркан. Сўнги бекатда онахонини бир гуруҳ турли ёшдаги болалар ўз волидаларидек кутиб олишди...

Ўша аёлга ҳавасим келди. «Бир кексаки савоб йўлида жон куйдираётибди, нега мен жим ўтиришим лозим».

Раҳм-шафқат, муруват ёш, муддат ва микдор танламайди. Лекин, унинг йўлбошчиси идрок ва майл эканлиги ойдек равшан. Гул учун хушбўй хид қанчалик аҳамият касб этса, инсон учун хуш табиат ана шундай аҳамиятли.

Самарқанд шаҳридаги гўдақлар уйида бўлганимда нохуш бир воқеага ғувоҳ бўлдим. Муассаса қоровули аёли тунда дарвоза олдидан атиги қирқ кунлик чақалоқни топиб олибди. Полиэтилен тўрвачага солинган гўдак ҳолдан тойиб қолган экан. Иссиқ бағрига олинган чақалоқ кўкрагида бир парча қозғаз ёзилган хат: «Мен ўз боламдан воз кечдим. Ҳеч вақт оналикни даъво қилмайман».

Ё алҳазар, бу қадар бағридошлик. Нахотки, сенда полопонларини ўз паноҳига қорлаётган она товўқчалик меҳр бўлмасми?

Йўл юриб кетаётган инсофли одам беҳосдан чўқуриликка тойиб кетса, ўрнидан туриб, этак қоқиб кетавермайди. Мен йиқилдим, бошқалар йиқилмасан, деб чўқурчани текислаб кўяди. Ёт-бегоналар бири-бирига шундай гамхўрлик, илтифот улашиб яшаётган кезде биз ўз яқинларимиз, ота-она, ёру дўст ёки фарзандларимизни ўз меҳримизга керагича қондира олаемизми? Баъзан ўзимизнинг тунд ва гофилона хулосаларимиз билан инсон деган

ЖАСОРАТГА УНДОВЧИ МАКТАБ

Меҳр. Биргина шу сўзинг замирида қанча маъно ётганини ҳамиша ҳам ҳис қилавермаймиз. Бошимиз ётқиқа тегиб, одамларнинг эътиборига муҳтож бўлгандагина унинг қадрини англаймиз.

Баъзан бир оғиз ширин сўз инсоннинг қалбини тоғдай кўтариб, ҳаётдан завқланиб яшашга ундайди. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 100-таянч аъзолари шикастланган, мия фалажлиги асорати бор болалар махсус мактаб-интернатига борганимизда шу фикрлар ҳаёлимдан ўтди. Мактаб-интернат директори Муқаддас Мираҳмедова билан бу даргоҳдаги шароит ҳақида анча суҳбатлашдик.

— Интернатимизда 300 га яқин бола таълим олмақда. Уларнинг асосий қисми вилоятлардан келган ноғирон йиғит-қизлардир, — дейди Муқаддас опа. — Улар таълим олиш билан бирга муолажаларни мунтазам равишда олиб туради.

Бу даргоҳда 33 ўқитувчи, 40 нафар тарбиячи болаларга меҳр билан таълим-тарбия бериб келмоқда. Ўқувчилар учун ҳамма шароит бор. Улар 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Ётоқхоналардаги шароит ҳам кўнглидагидек. Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун 15 та тўгарак ташкил этилган. Уларга каштачилик, зардўзлик, наққошлик каби хунарлар ўргатилади.

Мактаб-интернатга Тошкент давлат техника университети, «Асақабан», «Карима» хусусий қорхонаси каби саховатпеша ташкилотлар кўмак бериб келмоқда. Шунингдек, Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси жамоаси интернатга тез-тез ташриф буюриб, қизиқувчи ёшларга араб тилидан сабоқ беришда. Ҳар қуни меҳрли инсонлар келиб атаган ҳадисини бериб кетишади. Бундай бағрикенгликнинг савоби ҳам катта бўлиши шубҳасиз. Бу ёруғ оламда муҳтожларга кўмак қўлини чўзишдан-да улуроқ ишининг ўзи йўқ.

Хуршид УЗОҚОВ,
ЎЗМУ 1-курс талабаси

ХУШ КЕЛИБсан, НАВРЎЗИМ!

Қаҳратон қиш қаҳри тугаб, ҳойнаҳой,
Фасллар келини бўлган баҳорой
Кўрқига кўрк қўшиб, хуснига чирой,
Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзим!


Интизорлик билан сени кўп кутдик,
Садоқат рамзи деб қалбимиз тутдик,
Мана, висолингга соғ-омон етдик,
Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзим!

Оналар шаънингга тўқшиди алла,
Ёш қалбга суруринг жойлаб баралла
Сени кўйлаб янграмоқда куй, алла,
Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзим!

Сендан ҳар битта ёш қалбга олсин нур,
Кексаларга бағишла фараҳбахш хузур,
Кўтлуғ қадаминга деймиз: «ташаққур», —
Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзим!

Фаровонлик, юрт камоли сен билан,
Дехқон бобо шў-аъмоли сен билан,
Ўзбекистон истиқболи сен билан,
Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзим!

А.ХОЖИБОЕВ,
Молия институти фалсафа кафедраси
доценти



Озод юртга байрамлар ярашади

НАВРЎЗНИ ҚАРШИЛАР МУНАВВАР ОЛАМ!

Бир неча кундан кейин Ўзбекистон халқи Наврўз айёмини нишонлайди. Давлатимиз жаҳон миқёсида обрў-эътиборга эга бўлиб бормоқда. Иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, маърифий ва бошқа соҳаларда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлигимиз, миллий урф-одат ва аъёнларимизнинг тикланиши давлатимиз мустақиллиги туфайли амалга ошаётганини эътироф этиш жоиз.

Биз Наврўз байрами чет элларда қандай нишонланиши билан қизиқиб, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий тадбиркорлар ва талабалар билан суҳбатлашдик.

Шимшек МЕХМЕТ АКИФ (Туркия):

— Анқара шаҳридан 1994 йил октябрь ойида Ўзбекистонга илк бора келдим. Дастлаб Тошкентдаги «Чет эл фуқароларига тил ўргатиш маркази»да сизларнинг урф-одатларингиз, аъён ва тилингизни ўргандим. Эътибор берсак, турк тили



Муҳаммад Жамшид ДЕЛОВАР (Афғонистон):

— Мен Қобул шаҳриданман. Ўзбекистонга 1996 йилда илк бора келиб, шу кунгача Тошкентда тадбиркор сифатида ишлаб келаяман. Иккинчи мутахассисликка тиббиёт соҳасини танладим. Бугунги кунда ўзбек ва рус тиллари, ўзбек маданияти, урф-одат ва аъёнларини ўрганаётман. Бизнинг Афғонистондаги нотинчлик ва уруш энди орқада қолди. Юртимизда тинчлик ҳукм сура бошлади. Ўзбекистоннинг афғон халқини моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мустақкам дўстлигимизга асос бўлди. Афғонистон кўп йиллик урушин бошдан кечирган бўлса-да, урф-одати, аъёнлари ва муқаддас эътиқодини йўқотган эмас. Халқларимизнинг урф-одатларида ўхшаш жиҳатлар кўп. Тез кунларда баҳор, мусулмонларнинг янги йил байрами — Наврўзни қутиб оламиз. Бу айёми Афғонистон ва Ўзбекистон халқи бир кунда ва бир хил давомийликка нишонлайди. Афғонистонда Наврўз байрами **Миллий гул** уюмлари деб аталади, шу кунни Мозори Шарифда катта сайил бўлиб ўтади. Бу кунда қуритилган етти хил мевадан қайнатилган шарбат, етти хил таом ва албатта, **миллий афғон палови** байрам дастурхонига тортилади.



Ивай НАОТАКА (Япония):

— Мен Япониянинг Тива шаҳриданман. Ўзбекистонга биринчи марта 1999 йилда келганман. Келажакда етук иқтисодчи бўлмоқчиман. 2003 йилдан бери Тошкентда бўлиб, халқингизнинг маданияти, урф-одатларини ўргандим. Бунга Ўзбекистондан Японияга бориб таҳсил олаётган Алишер исми йиғит билан танишувим сабаб бўлди. У ватанингиз, бағрикенг ўзбек халқи ҳақида сўзлаб беради. Бугунги кунда Тошкентда тил ўрганиш билан бирга, қўллаб-дўстлар орттирдим.



Бизда Наврўз нишонланмаса ҳам, аммо баҳор келишини байрам қиламиз. Бу байрамни махсус бир кунда нишонламаймиз. Вақти ҳар йили ўзгариб туради. Баҳорий байрамда дастурхон ёзилиб, турли нознеъматлар қўйилади, махсус миллий таомимиз — сакурамуче қилинади. У гуруч ва сакура гулларидан тайёрланади. Байрамни оила даврасида нишонлаймиз.

Мераж ХИЗ (Хиндистон):

— Мен Хиндистоннинг Лақнау шаҳриданман. Ўзбекистонга 2003 йилда келдим. Бугунги кунда Тошкентда ўзбек тилини ўрганаётман. Келажакда Тошкентдаги тиббиёт институтига ўқишга киримоқчиман. Хиндистон билан Ўзбекистоннинг дўстона алоқалари қадимдан бошланган. Дибрингиз мустақилликка эришгандан сўнг давлатларимиз ўртасидаги алоқалар янада ривожланиб борапти. Хиндистон элчихонасининг маданият марказида ҳар доим давлатларимиз байрамлари кенг нишонланади. Хиндистон аҳолиси кўп динларга эътиқод қилувчи ҳар хил миллатлардан иборат. Мамлакатимизда Наврўз Мухаррам деб аталади.



Тошкентдаги «Тил ўргатиш маркази»да ўзбек урф-одатлари, тили ва маданиятини ўрганиш билан бирга Тошкентдаги «Саёҳат агентлиги»нинг бошлиғиман. Ватанимда бир неча қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг директориман. Корея билан Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги ҳамкорлиги кундан-кунга ривожланиб бормоқда, бунга кўп мисол келтириш мумкин. Масалан, Асака шаҳридаги «УДЭУавто» заводи, тўқимачилик корхоналари давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустақамлаштишига хизмат қилапти.

Кореяда Наврўз байрамни нишонланмайди, аммо баҳор келиши албатта ўзимизнинг миллий байрамларда ифодасини топган. Бизда асосан янги йил 1 январь кунини нишонланади. Корея аҳолиси ҳам турли миллат ва дин вақиларидан иборат. Албатта, мусулмон динидаги аҳоли Наврўзни ҳар йили ўзбек халқи каби нишонлайди. Кореяда баҳорни қутиб олиш байрами вақти ҳар йили ўзгариб туради. Бу байрамда 44 хил таом тайёрланиб, дастурхон баҳор гуллари билан безатилади. Илгарилари ота-боболаримиз сумалакка ўхшаш таом тайёрлаб келишган. Афсуски эндиликда бу таом қилинмай кўйди.

Мен бу йил Ўзбекистонда Наврўз байрамини қутиб олмоқчиман.

Ли Мин ХАН (Жанубий Корея):

— Мен Корея мамлакатининг Сеул шаҳриданман. Ўзбекистонга 2002 йилда келганман. Бугунги кунда



Абдулла ИБРОХИМ (Фаластин):

— Мен Ўзбекистонга 2003 йилда келганман. Ҳозир Тошкентда ўзбек тилини ўрганаётман. Фаластин аҳолиси ҳам турли динга эътиқод қилувчи ҳар хил миллатлардан иборат. Кўпчилиги мусулмонлар. Мамлакатимизда Наврўз 21 март кунини кенг нишонланади. Биздаги байрамларнинг аксарияти баҳор ойларига тўғри келади. Наврўз дастурхонига тортиқ қилинадиган миллий таомларимиздан бири мансафдир. Мансаф дастурхонинг паловига ўхшаб кетади. Байрам дастурхонига турфа баҳорий гуллар, мевалар ва бошқа миллий таомлар қўйилади. Наврўзни оила, дўст-биродарлар, қариндошлар даврасида қутиб оламиз.



Гао Чжен ХЕ (Хитой):

— Мен Хитойнинг Тянь-Зян шаҳридан Ўзбекистонга 2001 йилда келганман. Аввало ўзбек халқи ва тилини ўргана бошладим. Ўзбекистондаги тадбиркорлик фаолиятини 2002 йил январь ойидан бошладим. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Давлатингиз томонидан тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши туфайли Тошкентда ўзимнинг «Осий» ресторанимни 2002 йил январь ойида очиб фаолиятимизни бошладик. Бу ерда қизим Гао Ян билан иш юртаяпмиз. Элчихона ва маданият марказларимиз билан сезиниб давлатда, шунингдек, бизнинг юртимиздаги ҳар бир байрамни катта тантана билан нишонлаймиз. Ҳаммангизга маълум, бизнинг Хитой дунёда аҳоли сонини кўпчилиги билан ажралиб туради. Хитойда ҳам Ўзбекистондагига ўхшаб турли динларга эътиқод қилувчи турли миллатга мансуб кишилар яшайди. Мусулмонлар албатта баҳор айёмини Наврўз билан нишонлайди. Умуман олганда, Хитойда энг катта баҳор байрами мусулмон давлатларига ўхшаб маълум кунга белгилаб қўйилмаган. Баҳор байрамини қутиб олишда дастурхонларимизга хитойча чучура ва фақат қизил рангли таомлар, гул ва безак бўюмлари қўйилади. Чунки қизил ранг бизда баҳор, ёшлик ва яшариш рамзи ҳисобланади.

Наврўз айёмини бирга қутиб олиш учун барчангизни «Осий» ресторанимизга таклиф қиламан, манзилмиз: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 21-уй.

Нгунем ТХАЙ ЗИОНГ (Вьетнам):

— Вьетнамнинг Ханой шаҳриданман. Ўзбекистонга 2003 йилда келдим. Халқингизнинг маданияти, урф-одатлари, ўзбек ва рус тилларини мукамал ўрганаётман. Орузим шифокор бўлиш. Ўзбек халқи меҳмондўст, меҳр-муруватли экан. Яқинда мамлакатингиз Наврўз байрамини нишонлайди. Мен ҳам бу байрамни ўзбек халқи билан биргаликда нишонламоқчиман. Келганимга кўп вақт бўлмаса ҳам, жуда кўп ўзбеклар билан дўст бўлиб олдим. Бизда Наврўз байрами сиздай кенг нишонланмайди. Баҳор байрами махсус бир кунга белгиланмаган. Баҳорнинг келишини байрам қилганимизда миллий баҳорий таомларимиздан нэм, фой, унча, немчу ва бошқа нознеъматлар, энди пишган мевалардан дастурхонга қўйилади.



Амир ХУСАЙНИЙ (Эрон):

— Мен Теҳрон шаҳриданман. Ўзбекистонга 2003 йилда келдим. Бугунги кунда Тошкентда ўзбекларнинг маданияти, урф-одатлари ва тилини ўрганаётман. Кундуз кунлари тил бўйича сабоқ олиб, Эрон элчихонасининг маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси вазифасида ишлаётман. Халқларимизнинг маданияти, урф-одати ва байрамларида ўхшаш жиҳатлар кўп экан.

Наврўз Эронда янги йил байридир. Дунёнинг қўллаб-қувватлаш мақсадларида янги йил соат 24⁰⁰ дан ўтганда кириб келса, Эронда ҳар йили маълум бир соатда бошланади. Масалан, бу йил эронликлар янги хижрий-шамсий 1383-йилни 20-март кунини эрталаб соат 10 дан 18 дақиқа-ю 37 сония ўтганда қутиб олишди. Наврўзда дастурхонга турли ширинликлар, таомлар тортиқ қилинади. Наврўз дастурхонининг безатилиши ва қадимдан унга қўйилган таомлар ўзига ҳосидир. Ҳар бир эронликнинг Наврўз дастурхонига тортиладиган таомлар орасида «**ҳафт сини**» бўлиши шарт. Яъни «с» харфи билан бошланган қуйидаги етти хил егулик: сенжек (жиёда), саван (олма), серке (сирка), сир (саримсоқ, пиёз), сўмбўл (сунбул), семан (сумалак), сабзе (куҳат) — буғдой ёки исмиқ донининг униб чиққани).

Бундан ташқари дастурхонга муқаддас Куръони карим, турфа гуллар, миллий таомлардан қўқат палов, балиқ ва зирворлар билан махсус қуймоқ қўйилади. Эронда Наврўзни беш кун байрам қилишди, бу кунлар барча учун дам олиш кунини деб эълон қилинган.


Ширээ АХМАД (Сурия):

— Дамашқ шаҳриданман. Ўзбекистонга келганимда ўзбек халқининг урф-одатлари, аъёнлари бизнинг мамлакатимизга ўхшашини қўриб, ўзимни худди она юртимиздагидай ҳис этдим. Халқингиз бағрикенг, меҳмондўст экан. Наврўз Сурияда ҳам 21 март кунини нишонланади. Бу байрам янги йилнинг кириб келиши, баҳор, уйғониш ва меҳр-муруват, инсонлар ўртасидаги оқибат барқарор бўлишига хизмат қилувчи мусулмонларнинг энг катта байрамларидан саналади. Мамлакатимизда Наврўзни икки кун катта байрам қилиб нишонлаймиз, сайиллар бўлиб ўтади. Байрам дастурхонига миллий табала, капеса, куба, хумус каби таомлар тортилади. Атроф ободонаштарилриб, гуллар ва турли баҳорий безаклар билан безатилади. Бундай кунда аразлашганлар ярашади, қабристонлар зиёрат қилиниб, қариндошлар, оила ва дўстлар даврасида дастурхон ёзилиб, биргаликда байрам қутиб олинади.



Баъзи қавмларда Наврўз кунини бир-бирини шакар зади қилиш расми бўлган экан. Озарбодининг эриқал қилиниши, бунини сабаби Наврўз кунини Жамшид мамлакатинида шакарқамини пайдо бўлган.

(Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобидан)



Ўзбекистон акциядорлик тижорат «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

*Юртдошларимизни Наврўз байрами
билан самимий муборакбод этади*

«Ўзсаноатқурилишбанк» юртимиз аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида хорижий валютадаги нақд пул жўнатмаларини МДХга ва жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакатларига «CONTACT» тизими орқали амалга ошириш бўйича замонавий хизмат турини таклиф этади.

«CONTACT» тизими бўйича хорижий валютадаги нақд пул жўнатмаларини қабул қилиш ва бизнинг ҳудудга келиб тушган пул кўчирмаларини эгаларига тўлаб бериш «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг филиалларида жойлашган жамғарма кассалари орқали амалга оширилади.

«CONTACT» тизимида пул жўнатмалари ишончли, қулай, тез ва арзон нархда, яъни жўнатилаётган маблағнинг 3 фоизи миқдорида хизмат ҳақи тўланади.

Қўшимча маълумот учун
телефонлар: 120-45-17, 133-34-45

MUNOSABAT

Яқинда мамлакатимизга Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)нинг Ижрочи Котиби Чжан Дегуан ташриф буюрди. Мазкур ташрифдан кўзланган мақсад ташкилотнинг Тошкентда ўтказилажақ саммитига хозирлик кўриш ва уни ўтказишга доир масалалар, унинг олдида турган вазифалар хусусида фикр алмашишдан иборатдир.

қисқа муддат ичида халқаро миқёс касб этиши, умумбашарий муаммога айланиши мумкин. Бунга коммуникацион тараққиёт ва глобаллашув каби жараёнларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Таъжову ва таҳдидлар барча учун умумий эканлигини Марказий Осиё ва унда яшовчи халқларнинг тақдири учун зиммасидаги масъулиятни англаб, мамлакатимиз 2001 йил июль ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) кириб, унинг тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланди. Шу билан Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари ҳамкорлигидаги «Шанхай бешлиги» Марказий Осиёдаги яна бир салоҳиятли давлат — Ўзбекистон хисобига кенгайган ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти вужудга келган эди.

БАРҚАРОРЛИК ҲАМКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Сўнги йилларда юз берган ўзгаришлар жаҳон сиёсий майдонларида муҳим бўрилиш асади. «Капиталистик» ва «социалистик» икки сиёсий «кутб» ўртасидаги «совуқ уруш»нинг барҳам топиши қайсибир маънода миллий айирмачиликнинг ортиси, турли хил миллий можораларнинг авж олишига сабаб бўлиб, дунёнинг турли нуқталарида бекарор минтақалар вужудга келди. Мафқуравий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан икки қарама-қарши тизим таъсирида шаклланган қурулланмиш пойгази, ҳарбий зўравонлик кучайиб, миллий хавфсизлик ташунчаларининг моҳияти бутунлай ўзгариб, халқаро тус ола бошлди. Бугун дунёдаги барча мамлакатлар учун терроризм ва шу каби умумбашарий муаммоларга қарши курашда кучларни бирлаштириш ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш долзарб бўлиб турибди. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, умумбашарий ва минтақавий муаммоларга қарши курашишнинг асосий методи бу борада самарали ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

ШХТнинг 2003 йил май ойида Москвада бўлиб ўтган саммитида ўнга яқин ҳужжатлар имзоланиб, ташкилот тарҳатининг муайян йўналишларига аниқликлар киритилган эди. Мазкур саммит ташкилот Ижрочи Котиби вазифасини Хитойнинг Россиядаги элчиси жаноб Чжан Дегуанга топширилган эди.

Айни пайтда ташкилотнинг шаклланиш жараёни нихосига етказилиб, унинг таркибий тузилмалари ишга туширилди. Хитой пойтахти Пекинда ташкилотнинг Котибиёни, Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ШХТнинг Минтақавий Ақсилтеррор Тузилмаси фаолият юритмоқда.

Ўтган йилнинг сентябрийда пойтахтимиз Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар Ташкилоти ишлари вазирлари кенгашининг биринчи йилги йиғилиши бўлиб ўтган эди. Жорий йилнинг июнь ойида пойтахтимизда ташкилотнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, минтақавий ва халқаро барқарорликка таҳдидлар янгила кўриниш олаётган, дунёнинг геосиёсий, иқтисодий қиёфасида кескин ўзгаришлар юз бераётган бир шароитда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг аҳамияти беқиёс. Ташкилотнинг минтақаддаги ва халқаро миқёсдаги таъсири муттасил ортиб боришига шубҳа йўқ. Шу билан бирга, Президент Исом Каримов таъкидлаганидек, ташкилот турли сиёсий ўйинлардан, гуруҳбозликлардан, сиёсий блокларга бўлинишдан четда турмоғи даркор.

ШХТ ўз олдида қўйган вазифалари — инсониятга таҳдид солаётган урушлар хавфини бартараф қилиш, барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун курашдан иборатдир. Мазкур вазифалар қўлими ва моҳияти билан мамлакатимиз юритаётган сиёсатдан фарқ қилмайди. ШХТнинг давлатимиз маффаатлари билан ҳамоханг яна бир муҳим жиҳати шундаки, халқаро терроризм, диний экстремизм, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ташкилотнинг муҳим фаолият йўналишини ташкил этади.

Абдурахим МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тингловчиси

DEPARTAMENT FAOLIYATIDAN

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган. Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари ҳам шу соҳада қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Лекин ўтказилаётган текширишларда қонун-қондаларга панажа орасидан қаровчи тадбиркорлар ҳам йўқ эмаслиги аниқланиб келди. Масалан, шу йилнинг 22 январиде Келес шаҳрида Тошкент туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚ бўлими ходимлари ўтказган тадбирда К. Гафуров кўчиси бўйлаб ҳаракатланган 16 К 4203 ва 16 Е 7739 номерли «КамАЗ» автомашиналари уларнинг эътиборини тортди. Машиналар тўхтаб текширилганда 30 тонна цемент олиб кетилганлиги аниқланди. Хай-девиллар К.Маминова ва Х.Зариповлардан юкни қаердан олганли-

ги суриштирилганида улар хусусий тадбиркор М.Исҳоқов берган 536.000 сўмлик чекини тақдим қилишди. Унинг ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида М.Исҳоқовнинг Келес шаҳар «Галаба» кўчасида жойлашган қурилиш моллари билан савдо қилувчи омборхонаси текширилганда «тадбиркор»нинг сирти очилди. У харидорлардан 766.000 сўм нақд пул олганлигини тан олди. Бунинг устига «ишқиллар» бу ерда иккита назорат қасса машинасини ишлатётган экан. Уларнинг бири туман

БУ ОЛАМДА БИР ОЛАМ ГАП

ОМАДЛИ ВА... ОМАДСИЗ ҲУЖУМЧИ

Англияда содир этилган бу воқеа нафақат маҳаллий аҳоли, балки жаҳондаги кўплаб футбол мухлисларининг ҳам эътиборини тортди. Роман Абрамовичнинг назарига тушиб, яқиндагина «Челси» таркибига қўшилган Хуан Себастьян Вероннинг хонадонига талончи бостириб кирди.

Вероннинг томоғига личок тираган талончи футболчи «пул ёки... болаларинг ҳаёти» қабилида шарт қўйди. Верон унга сейфидаги қимматбаҳо буюмлар ва пулларини чиқариб берди. Шундан сўнг қутилмаган «мехмон» Верон ва рафиқаси Мария Веначчани, қайнонаси ва қайнсинглисини ваннахонага қамаб, оппоқ машинасига ўтириб жўнаб қолган.

Аммо Вероннинг бойликлари талончига насиб этмади.

Машинада кетаётгани уни уйку босди ва назоратсиз қолган машина бетон тўсиққа зарб билан урилиб, эгасини сўнгги «манзил»га етказди. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари қароқчи 35 ёшли қувруч Уэйн Харли эканлигини аниқлашди.

ЯНА БИР «МАШХУР» ҲАҚАМ

UEFA.com сайти ўтказган сўров натижасига кўра, 2003 йилнинг энг беғам ҳақами аниқланди.

Норвегиялик Пер-Андре Братаас мамлакатнинг 4-дивизиони учрашуви бошқарарди. Кизиги шундаки, у ҳақамлик қилган ўйинларда мухлислардан норози бўлдилар, футболчилар ҳақоратлашгача бориб етадилар, ҳақамнинг эса парвойи фалак. Кўп ҳолларда ўйинчилар кўпол ўйнаса ҳам эътибор бермайди. Мавсум давомида қанча ўйинни бошқарган бўлса, бирортасида ҳам ўйинчиларга сариқ ёки қизил карточка кўрсатмаган. Аммо бунинг сабаби мавсум якунлангач аён бўлди. Братаас дислекция касалига чалинган, яъни ўқиш ва ёзишда жуда қийналар экан. Агар кўпол ўйнаганларга карточка кўрсатиладиган бўлса, албатта уларнинг исм-фамилиясини ён дафтарига ёзиб қўйиши керак. Шунинг учун ҳам ўйин қанчалик кўпол ўтмасин, Пер-Андре ҳеч кимни жазоламаган экан. Ана шу қилиқлари сабаби у йилнинг энг беғам ҳақами деб топилди.

Киевнинг «Арсенал» жамоаси келажаги порлоқ бўлган энг яхши ҳужумчидан айрилди. Жамоанинг грузиялик легионери Шалва Агпазашва ўтган ҳафта базасидаги ўзига аяратилган хонадан жонсиз ҳолда топилди.

Мураббий В.Грозний раҳбарлигидаги бутун жамоа қутилмаган айрилди қаттиқ қуяноқда. Жамоадолларининг айтишича, Шалва бир кун аввал ўзини яхши тутган ва хонасига кириб кетганича қайтиб чиқмаган... Эндигина 23 ёшни қаршилаган талантили футболчининг ўлими Грузия ва Украина футбол мухлисларини ларазга солди.

Шу ўринда Колумбия тарма жамоасининг иқтидорли ўйинчиси Марк-Вивьен Фоз Камарун тарма жамоаси билан бўлаётган ўйин пайти вафот этгани ёдга тушди. Югубри бораётган тўсатдан йиқилган Фознинг майдон четига олиб чиққан шифокорлар қанча уринишмасин, футболчининг ҳаётини сақлаб қололмадилар.

Фознинг ўлимидан бир неча кун ўтган, Бразилиянинг «Ботафого» клуби вакили Максимили-

КУТИЛМАГАН ЖУДОЛИК

ано Патрик Феррейра машғуллар чоғида ўзини жуда ёмон ҳис қилди. Касалхонага олиб келинган Макс умрининг 20-йиллик шифокорлар қўлида вафот этди.

1979 йили Португалиянинг «Порту» жамоаси футболчиси Фернандо Паскаль ўз жамоасининг 13-учрашувида 13-дақиқада жон таслим қилди.

1984 йили Голландияда юз берган воқеа ақлга сиймайди. Ёш дарвозабон Эрик Йонбладни учрашув пайтида «чакмоқ урди. Бу даҳшатли ҳодиса Эрикнинг отаси — бир пайтлар мамлакат тарма жамоасининг иқтидорли посбонларидан бири бўлган Ян Йонбладни кўз олдида содир бўлди.

Украина футболчининг умидли дарвозабон и бўлган Сергей Перхун ЦСКА (Москва) таркибиде тўп суради. Махачкальдада ўтказилган учрашувда ҳужумчи Б.Бодуну билан тўқнашиб кетган Сергей хушидан кетди. Орадан бир неча кун ўтган ҳам ўзига келмади ва ёруғ олами тарқ этди.

Энг ҳайратланарлиси шуки, ғайритаъбий равишда вафот этган футболчилардан барчасининг ўлими айнан ойнанг 13-кунига тўри келган.

МУШУҚ ГАПИРАДИ

Японлар ўзларининг ғаройиб кашфиётлари билан жаҳон аҳлини ҳайратга солишдан чарчашмаяпти. Бу борада айниқса, «Тақара» фирмаси ном қозонган. Фирма 2002 йил февралда итларнинг ҳис-туйғуларини таржима қилувчи қурилма ишлаб чиққан эди. Аппаратнинг нархи 100 доллар атрофида. Итнинг бўйинига узунлиги 6 см., оғирлиги 60 г. келадиган микрофон осиб қўйилади. У итнинг ҳуришини ёзиб олиб, инфракүзил нурлар ёрдамида маълумотни мўъжазгина асбобга узатади. Сўнг овоз таҳлил қилиниб, олти тоифага бўлинади. Булар, «кувонч», «ғам», «газаб», «эрикиш» қабилидир. Шу заҳоти экранда «Жонга теги!» «Зўр!» «Қандай мазза!» каби ёзувлар ва итнинг буларга мос ҳолдаги юз кўриниши пайдо бўлади. Оқшомга бориб қурилма тўрт оёқли дўстингиз кун бўйи қандай кайфиятда бўлгани ҳақида юзтача содда гапдан иборат ҳисобот матнини эътиборингизга ҳавола қилади.

Японлар бу кашфиёт учун Игнобель мукофотиға сазовор бўлишган. Бу мукофот Нобель мукофоти билан тахминан бир вақтда ҳайрат аъзоларига илмий жиҳатдан энг шубҳали туюлган кашфиётларга берилади. Шунга қарамай, мазкур электрон таржимоннинг 300.000 таси Япониядаги итсеварлар ўртасида қисқа вақтда тарқалиб кетди. Қурилма АҚШ ва Жанубий Кореяга ҳам экспорт қилинапти.

«Тақара» компанияси бу ютуқлар билан қаноатланиб қолаётгани йўқ. Мантқан олиб қараганда, итларнинг таржимони бор экан, нега энди мушуқларники бўлмаслиги керак? Албатта бўлади.

Токио мэтбуоти хабарларига кўра, бу аппарат қаффа бемалол сизда. У кўп жиҳатдан итларнинг таржимонига ўхшайди: микрофон ва экрандан иборат. Қурилма Япония акустика институти мутахассислари билан ҳамкорликда яратилди. Луғат бойлигини тузишда Сибир ва Америка мушуқларининг мивёлашларидан фойдаланилди.

Фирма ходимлари бу кашфиёт 2004 йилда ўз харидорларини топишига ишонади.

СОХТА ЧЕК БИЛАН...

суриштирилганида улар хусусий тадбиркор М.Исҳоқов берган 536.000 сўмлик чекини тақдим қилишди. Унинг ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида М.Исҳоқовнинг Келес шаҳар «Галаба» кўчасида жойлашган қурилиш моллари билан савдо қилувчи омборхонаси текширилганда «тадбиркор»нинг сирти очилди. У харидорлардан 766.000 сўм нақд пул олганлигини тан олди. Бунинг устига «ишқиллар» бу ерда иккита назорат қасса машинасини ишлатётган экан. Уларнинг бири туман

солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказилган. Иккинчиси эса ҳеч қаерда расмийлаштирилмаган. Ана шу норасмий қасса машинасида М.Исҳоқов ойнар давомида маҳсулот сотувидадан тушган нақд пулни банкка топширмай «туя қилиб» келаверган. Шу боис қонунбузардан ўша кунги цемент савдосидан тушган 783.100 сўм нақд пул далилий ашё сифатида олиниб, давлат хисобига мусодара қилинди. Бу иш юзасидан суриштируви олиб борилмади.


Ўтган давр мобайнида Тошкент

вилояти прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚ бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида нақд пулни банкларга топширмай даромадини яшириш бўйича 535 та ҳолатда 5.116.000.000 сўмлик ноқонуний пул айланмаси аниқланди. Шунчи ҳам таъкидлаш керакки, ўз ҳуқуқларини англаган тадбиркорлар қонунларни ҳурмат қилиб фаолият кўрсатишмоқда. Қонуни писанд қилмаганлар бир қуни қўлга тушиб, бармоқ тишлаб қолиши муқаррар.

Гулҳебра РАЗЗОҚОВА,
Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚ бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

БAYRAM INTERV'YUSI

ЭНГ ХОЛМИС ҲАКАМ МУХЛИСЛАР



Санъат осмонида юлдузлар кўп. Янқ этиб ёниб, тезда сўниб кетадиганлари ҳам бор. Санъатда ўз ўрнини топиб, мухлислар эътиборини қозониб, порлаб турган юлдузлар эса эл эъзозиди. Ана шундай санъаткорлардан бири — истеъодли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон МУМИНОВ.

— Сўхбатимизни болалик хоти-раладигиздан бошлашас.

— Болалигимда барча болалар каби жуда шўх бўлганман. Машина ҳайдашга қизиққаным боис, уни бошқаришни эрта ўрганиб олганман. Ун олти ёшимда ҳайдовчилар тайёрлаш курсини тамомладим ва бемалол машина ҳайдай бошладим. Бирок уйдагилар ёлғиз ўзимнинг рулга ўтиришимга қўйишмасди. Аввалига маҳаллаимиз атрофини, кейинроқ машина қатнови камроқ бўлган кўчаларда сайр қилишни одат қилдим. Болалигим ҳақида сўрашганда, машинада Фаргона кўчаларини «чангитиб» юрганим гавдаланаверади.

— Собиржон ака, бузғин қушиқчилик санъатида мухлис сифатида қандай баҳо берасиз?

— Узим санъаткор бўлсам-да, кўпинча ижодимга, умуман қушиқчилигимизни оддий мухлис сифатида кузатиб, баҳо беришга ҳаракат қиламан. Мухлислар билан сўхбатлашаман. Радио, телевидениедаги мулоқотлар, матбуот саҳифаларида ёри-тилаётган мақолаларни кузатиб бо-раман. Бу санъаткор учун зарур, чунки энг ҳол ҳакам томошабиндир. Хо-нанда ўзи учун эмас, мухлисларга атаб қўйиш айтиди. Уларнинг фикри-ни эса, доимо қилиб бориши керак.

— Айни кунларда ажоднингизда қандай янгиликлар бор?

— Яқинда «Хоразмдан олиб кета-й Фарғонага» деб номланган янги аудио альбомим ва компакт диска-ларим сотувга чиқди. Булардан ташка-ри «Қоши хилолими» қўшиғининг да-воми «Қўзи жайрон» ва «Ёр кела қўй» деб номланган янги қўшиқлар яри-тиб, уларга клип ишладик. Шу кун-ларда телевидение орқали намойиш этилиш арафасида.

— Санъаткор сифатида мак-табларда ва олий ўқув юртыларида

нарсалар таъна ваъзининг анчагина ошиши-га олиб келди. Масалан, кўнига битта

олиб келди.

ОЗИШ ДАСТУРИ

Шундай қўлиб, семизлик оғир касаллик-ларга сабаб бўлиши мумкин. Тана оғирли-гини камайтириши эса организм учун со-вагаси бўлади. Ахир озиш натижасида юрак, қон-томирлар системасининг иши яхшиланади, нафас қисими ва ишлар кама-яди, карбонсув ва ёғ алмашинуви ях-шиланади, умуртқа поғонаси ва бўғимлар-даги оғирликлар камаяди, умумий кайфият яхшиланади.

ОРТИҚА ВАЗДАН КУТУЛСА БЎЛАДИМИ?

СЕМИЗЛИК ҲАМ ХАСТАЛИКДИР

Бундан бунён ҳам ижодий ишларин-гизда кўтаринкилик, ошангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-са-ломатлик тилаймиз.

ҲАҚАҚБ ДЎСТЛАРИНГИЗ.

ойига кўпи билан 3 — 4 кг га пасайтиринг. Шунга қўйиш оғирлик таъминига 10-15 % га аста-секин мунтазам (масалан, агар сизнинг вазингиз 100 кг бўлса, 10-15 кг га) озишингиз мумкин. Бу эса сизнинг кай-фиятингизни яхшилабгина қолмай, балки узок вақтга эришилган натижани сақлаб қолишга ёрдам беради.

Энг кийин масала — яна семириб кет-масликдир!

Фақат ҳар кимнинг ўзига яраша даво-лаш дастури, врачнинг доимий кузатуви ва қўлиб қувватлашни қўлланган натижани қўлга киритишга ёрдам беради. Ортиқча вазн муаммолари бўйича мутахассислар сизга тўғри йўл танлашда ёрдам берадилар ва бу кўйин масалада бажонидил кўмаклашди-лар.

Мурожаат учун телефонлар: 162-47-03 (иш кунлари соат 10⁰⁰ дан 14⁰⁰ гача) 53-17-94 (ҳар кун иш қашанбадан ташқари 9⁰⁰ дан 15⁰⁰ гача)**

(давоми бор.)

Ўтганларнинг охири ошод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош проку-ратураси жамоаси ҳамда фахрийларни иктимий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура унитар фахрий ходими Раимберди АЙДАШЕВнинг вазфоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Roche

Газетанинг охири ошод бўлсин!

Газетанинг охири ошод бўлсин!

— Албатта қизиқиб кўрганман. Аммо очингани айтсам, кўнглим тўлма-ган. Сабаби, ўқувчиларга мумтоз санъат қисман ўргатилди. Водийга сафарга борганимда шундай мак-табларни кўрганманки, уларни ҳатто шаҳарда ҳам топиш амримаҳол. Гар-чи мусиқага ихтисослаштирилмаган мактаблар бўлса ҳам ўқувчиларга яратилган шароитни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилган. Фикримча, ўқув-чиларга ўзимизнинг миллий куй-қўшиқларимиз, «Ёр-ёр»лар, «Улан»-лар, ўзбек фольклор қўшиқларимиз ҳам бошқа махсус филлар сингари чўқурлаштирилиб ўтилса, бу ўқувчи-ларга нафақат мусиқа санъатидаги ба-лимликларни мустаҳкамлашда, балки мусиқий меросимизга бўлган меҳр-муҳаббати ортисида ҳам ёр-дам беради.

— Санъаткор ва биз оиланинг болалиг сифатида ўзингизга қандай саволлар берасиз. Топган жа-вобларингизда ўзингизда мамну-лик, бахтиёрлик ҳис қиласизми?

— Кўпинча хизмат сафариди

нарсалар таъна ваъзининг анчагина ошиши-га олиб келди. Масалан, кўнига битта

олиб келди.

ОЗИШ ДАСТУРИ

Шундай қўлиб, семизлик оғир касаллик-ларга сабаб бўлиши мумкин. Тана оғирли-гини камайтириши эса организм учун со-вагаси бўлади. Ахир озиш натижасида юрак, қон-томирлар системасининг иши яхшиланади, нафас қисими ва ишлар кама-яди, карбонсув ва ёғ алмашинуви ях-шиланади, умуртқа поғонаси ва бўғимлар-даги оғирликлар камаяди, умумий кайфият яхшиланади.

ОРТИҚА ВАЗДАН КУТУЛСА БЎЛАДИМИ?

СЕМИЗЛИК ҲАМ ХАСТАЛИКДИР

Бундан бунён ҳам ижодий ишларин-гизда кўтаринкилик, ошангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-са-ломатлик тилаймиз.

ҲАҚАҚБ ДЎСТЛАРИНГИЗ.

ойига кўпи билан 3 — 4 кг га пасайтиринг. Шунга қўйиш оғирлик таъминига 10-15 % га аста-секин мунтазам (масалан, агар сизнинг вазингиз 100 кг бўлса, 10-15 кг га) озишингиз мумкин. Бу эса сизнинг кай-фиятингизни яхшилабгина қолмай, балки узок вақтга эришилган натижани сақлаб қолишга ёрдам беради.

Энг кийин масала — яна семириб кет-масликдир!

Фақат ҳар кимнинг ўзига яраша даво-лаш дастури, врачнинг доимий кузатуви ва қўлиб қувватлашни қўлланган натижани қўлга киритишга ёрдам беради. Ортиқча вазн муаммолари бўйича мутахассислар сизга тўғри йўл танлашда ёрдам берадилар ва бу кўйин масалада бажонидил кўмаклашди-лар.

Мурожаат учун телефонлар: 162-47-03 (иш кунлари соат 10⁰⁰ дан 14⁰⁰ гача) 53-17-94 (ҳар кун иш қашанбадан ташқари 9⁰⁰ дан 15⁰⁰ гача)**

(давоми бор.)

Ўтганларнинг охири ошод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош проку-ратураси жамоаси ҳамда фахрийларни иктимий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура унитар фахрий ходими Раимберди АЙДАШЕВнинг вазфоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Roche

Газетанинг охири ошод бўлсин!

Газетанинг охири ошод бўлсин!

NUQUQ yuridik gazeta. Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, Qonun himoyasida jurnali.

Bosh muharrir: Abdullolliq ABDURAZZOQOV. Tahrir bay'ati: Bahrididdin VALIYEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, HADAN INOYATOV, Muxtor SHODMONOV.

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66. TEL.: 133-82-34, 133-64-72. E-mail: Info@huquq.uz. FAX: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Myaliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashridan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatiliishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 470. 22465 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharriri J.MAXSUMOV Navbatchi A.MUSTAFOYEVA. Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida oset usulida chop etildi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turan ko'chasi, 41.

Gazetaning chorasnanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 18.30. 1 2 3 4 5 7 8